



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

2007 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 3 ноябрь, № 218 (4371)

Шанба

## СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЮКСАК САМАРАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2 ноябрь куни  
Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши раҳбари Вэнь Цзябаони қабул қилди



## ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ — АМАЛДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов  
2 ноябрь куни Оқсаройда Россия Федерацияси  
ҳукумати раиси Виктор Зубковни қабул қилди

Мамлакатимиз раҳбари мек-  
монни юртимизга ташрифи бил-  
ан кутлар экан, Ўзбекистон ва  
Россия ўртасидаги ҳамкорлик  
Иттифоқчилик муносабатлари  
тўғрисидаги шартнома руҳида  
ҳар томонлама ривожланиб бо-  
раётганини, давлатларимиз Шан-  
хай ҳамкорлик ташкилоти дои-  
расида ҳам самарали алоқалар-  
ни йўлга қўйганини таъкидлади.  
Дарҳақиқат, Ўзбекистон бил-  
ан Россия ўртасидаги муноса-  
батларни олий босқичга олиб  
чиқишга асос бўлаётган мазкур  
шартнома барча соҳалардаги  
ҳамкорлик юксак суръат бахш  
этилмоқда. Икки мамлакат прези-  
дентлари олий даражадаги таш-  
рифлари ва халқаро ташкилотлар-  
нинг саммитларида мунтазам  
учрашиб, ўзаро алоқаларга доир  
долзарб масалалар юзасидан  
фикр алмашиб турадилар. 2006  
йил давомидан Ислам Каримов  
ва Владимир Путин тўққиз мар-  
та учрашди. Мамлакатларимиз  
ўртасида турли мақрабдаги ўлти-  
дан зиёд делегациянинг ташри-  
флари уюштирилди.

Ўзбекистон — Россия муно-  
сабатларини ривожлантиришда  
мамлакатларимиз раҳбарлари-  
нинг бир-бирига ҳурмат ва  
ишонч, ўзаро ҳамкорликни кен-  
гайтириш, хавфсизлик ва барка-  
дорликни мустаҳкамлаш маса-  
лалари, шунингдек, халқаро  
муаммолар борадигани қараш-  
лари ўхшаш ва кен эканлиги  
муҳим аҳамият касб этмоқда.  
Ўзбекистон ташқи савдоси-  
нинг ўттиз фоиздан ортиги Рос-

сия ҳиссасига тўғри келади. Эк-  
спорт ва импорт таркиби ҳам  
жуда бой — машина ва ускуна-  
лар, энергия манбалари, қора  
ва рангли металллар, пахта то-  
ласи, пластмасса, ёғочни қайта  
ишлаш, озиқ-овқат саноати маҳ-  
сулотлари. 2006 йилда ўзаро то-  
вар айирбошлаш ҳажми 3 мил-  
лиард АКШ долларидан ошди.  
Ўтган йили Россия Ўзбекистон-  
дан бир миллион тоннадан зиёд  
кишлоқ хўжалиги маҳсулотини  
сотиб олди.

Ўзбекистонда россиялик сар-  
моядорлар билан ҳамкорликда  
ташқи қилинган қўшма корхона-  
лар сони тўрт юз элликдан оша-  
ди. Россияда эса Ўзбекистон сар-  
моядорлари билан биргаликда  
тузилган 284 қўшма корхона фа-  
олият кўрсатмоқда. Айниқса, сав-  
до, энергетика, қончилик, метал-  
лургия, сугурта, молия сектори,  
озиқ-овқат, фармацевтика, ёғочни  
қайта ишлаш соҳаларидаги ҳам-  
корлик кенгайтирилди. Сано-  
атнинг электротехника, маши-  
носозлик, самолётсозлик каби  
мураккаб тармоқларида алоқалар  
кенгаймоқда. Телекоммуникация  
ва дастур таъминоти, кимё, қури-  
лиш материаллари ишлаб чиқа-  
риш, тўқимачилик, сайёҳлик со-  
ҳаларида катта имкониятлар мав-  
жуд ва уларни тўлиқ ишга солиш  
устувор вазифалар сирасидадур.

Ўзбекистон Республикасининг  
вилоятлари билан Россия Феде-  
рацияси субъектлари ўртасида  
беvosита алоқалар йўлга қўйил-  
ган ва ишчи ривожланмоқда.  
Икки томонлама ҳамкорлик

бўйича ҳукуматларо комиссия  
мунтазам равишда мажлислар  
ўтказиб, алоқаларни кенгайти-  
ришни янги имкониятларини  
кўриб чиқиб, устувор соҳаларни  
белгилайди. Жорий йил март  
ойида Москвада унинг тўқин-  
чи мажлиси бўлиб ўтди.

Мамлакатларимизнинг гума-  
нитар соҳадаги ҳамкорлиги таъ-  
лим, маданият ва саноат, соғлиқ-  
ни сақлаш, фан ва технология-  
лар каби соҳаларни қамраб ол-  
ган. Ўзбекистонда Г. Пеханов  
номидagi Россия иқтисодийёт ака-  
демиясининг филиали фаолият  
кўрсатмоқда. Ўтган йили пойтах-  
тимизда М. Ломоносов номида-  
ги Москва давлат университетининг,  
жорий йилда И. Губкин  
номидagi Россия давлат нефть ва  
газ университетининг фили-  
аллари очилди. Маданият ва  
саноат намоёндаларининг ҳам-  
корлиги доирасида турли кўрғаз-  
ма ва гастроллар ташкил этил-  
моқда.

В. Зубков самимий қабул учун  
Президентимизга миннатдорлик  
билдириб, Россия Ўзбекистон  
билан ҳамкорликни, барча соҳа-  
ларда ривож топаётган шериклик  
алоқаларини юксак кадрлашгани  
алоҳида таъкидлади.

Учрашувда икки томонлама  
муносабатларни ривожлантириш-  
га доир ҳамда томонларни  
қизиқтирган бошқа масалалар  
юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

Дилшод ЮСУПОВ  
олган сурат.

Давлатимиз раҳбари бу ХХР  
Давлат кенгаши раҳбарининг  
Ўзбекистонга илк расмий таш-  
рифи эканини, бугунги учрашув  
мамлакатларимизнинг ўзаро  
муносабатларига доир масала-  
лар юзасидан фикр алмашиш  
учун қулай имконият яратиши-  
ни таъкидлади. Ўзбекистон икки  
томонлама алоқаларнинг бугун-  
ги ҳолатини, ҳамкорликнинг  
суръатини юксак баҳолаши ва  
кадрлашгани, мамлакатларимиз  
ШХТнинг фаол аъзолари экан-  
лиги ҳам ўзаро ишонччи янада  
мустаҳкамлашни қайд этди.

Ўзбекистон ва Хитойнинг  
аънавий дўстона, ўзаро ман-  
фаатли алоқаларида икки дав-  
лат раҳбарлари ўртасида қарор  
топган ишонч ва ҳурмат-эти-  
бор муҳим аҳамият касб эт-  
моқда. Ҳамкорликнинг барча  
соҳаларини қамраган Ўзбеки-  
стон — Хитой муносабатлари  
2005 йилда Дўстлик ҳамкорлик  
ва шериклик муносабатлари  
тўғрисидаги давлатлараро  
шартнома имзоланганидан ке-  
йин янги босқичга кўтарилиб,  
мазунан бойиб бормоқда.

Иқтисодий соҳада Ўзбеки-  
стон билан Хитой ўртасида энг  
кўп қулайлик яратиш тартиби  
амал қилмоқда. Ўзаро товар  
айирбошлаш ҳажми 2006 йил-  
да қарийб 600 миллион, жорий  
йилнинг январь-август ойлари-  
да 477 миллион АКШ дол-  
ларини ташкил этди. Прези-  
дент Ислам Каримовнинг 2005  
йил май ойида ХХРга давлат  
ташрифи асносида эришилган



келишувлар Ўзбекистон иқти-  
содийётига 1,5 миллиард дол-  
лар миқдорига сармоя кири-  
лишини назарда тутиши, шу-  
нингдек, ШХТнинг 2004 йилги  
Тошкент саммитида Хитой ма-  
зкур ташкилотга аъзо давлат-  
лар учун 900 миллион доллар  
миқдорига кредит ажратгани ва  
ушбу таъаббус доирасида  
Ўзбекистон томонидан тақдим  
этилган 22 лойиҳа кўриб чи-  
қилган мамлакатларимиз  
ўртасидаги иқтисодий ҳамкор-  
ликнинг қўламини кенглигидан  
далолатидур.

Давлатларимиз ўртасида им-  
золанган терроризм, айирчи-  
лик ва экстремизмга қарши ку-  
рашда ўзаро ҳамкорлик, ташқи



сиёбат маҳкамаларининг ҳам-  
корлиги ва маслаҳатлашувлари  
тўғрисидаги битимлар ўзаро  
ишонч руҳида янада мустаҳкам-  
лашга хизмат қилмоқда.

Гуманитар соҳалардаги ҳам-  
корлик қамрови ҳам кенг. Шан-  
хайда ўтказилган аънавий халқаро  
миллий маданият ва саноат  
фестивалида Ўзбекистон вакиллари,  
Самарқандда ўтадиган «Шарқ тарона-  
лари» халқаро мусиқа фестивали-  
да хитойлик хонанда ва со-  
зандлар мунтазам катнашиб  
келмоқда. Тошкент ва Пекин-  
да бўладиган замонавий саноат  
биенналелари ҳам икки  
мамлакат ижодкорларининг  
фаол иштироки билан ўтади.

Пекиндаги Миллатлар мар-  
казий университетига ўзбек  
тили кафедраси, Тошкентда хи-  
той тили ва маданиятини ўрга-  
ниш бўйича Конфуций номида-  
ги институт очилган.  
Мамлакатларимизнинг ёш  
авлоди ҳар томонлама бар-  
камол этиб вояга етказиш,  
жумладан, спортни оммалашти-  
риш, соғлом турмуш тарзи-  
ни тарғиб этиш борасидаги  
саъй-ҳаракатлар ҳам бир-би-  
рига ҳаммаҳанг. Ўзбекистонда  
спортнинг янги турлари ри-  
вожланиб бораётган. Хитой  
2008 йилги Олимпия ўйинла-  
рига мезбонлик қилади. Бу  
жиҳатдан 2005 йилда икки  
мамлакат — миллий олимпия

қўмиталари ўртасида ҳамкор-  
лик тўғрисида битим имзолан-  
гани муҳим аҳамиятга эга.

Оқсаройдаги учрашувда Вэнь  
Цзябао самимий қабул учун  
Президентимизга миннатдорлик  
билдириб, Хитой Ўзбекистон бил-  
ан ҳамкорлик соҳаларини яна-  
да кенгайтириш тарафдори  
эканлигини таъкидлади.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон  
билан Хитой ўртасидаги муно-  
сабатларнинг бугунги аҳоли ва  
истикболига доир масалалар  
юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).  
Абдувоҳид ТўРАЕВ  
олган суратлар.

## МДУ ФИЛИАЛИ БИЛАН ТАНИШУВ

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари  
кенгашининг мажлисида қатнашиш учун мамлакатимизга келган Россия  
Федерацияси ҳукумати раиси Виктор Зубков Ўзбекистон Республикаси Бош  
вазирининг ўринбосари, олий ва ўрта махсус таълим вазири Рустам Қосимов  
хамроҳлигида 2 ноябрь куни М. Ломоносов номидаги Москва давлат  
университетининг Тошкент филиалида бўлиб, мазкур таълим муассасаси  
раҳбарияти, профессор-ўқитувчилар ва талабалар билан учрашди.

Президент Ислам Каримовнинг қарорига му-  
вофиқ 2006 йилда ташкил этилган ушбу олий  
ўқув юрти Ўзбекистон билан Россия ўртасида  
таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг ёрқин наму-  
насидир.

МДУнинг Тошкент филиалини ташкил этиш-  
дан қўзғалган асосий мақсад юқори малакали  
кадрлар тайёрлаш, мамлакатни иқтисодий-иқти-  
содий ривожлантиришда иқтидорли ёшлар са-  
лоҳиятидан самарали фойдаланиш учун уларга  
зарур шароит яратиш, олий таълим соҳасида  
халқаро ҳамкорликни кенгайтиришдан иборат.

Айни вақтда бу ерда амалий математика ва  
информатика ҳамда психология факультетлари  
фаолият кўрсатмоқда. Ўқув жараёнини ташкил  
этиш учун замонавий компьютерлар, тармоқ жи-

ҳозлари, тажриба, лингафон, маъруза, семинар  
ва амалий машғулотлар хоналари мавжуд бўлиб,  
улардаги ўқув ўринлари сони 525 талабага  
мўлжалланган. Бундан ташқари, электрон клуб-  
хона, мультимедиа студияси ва илгор телеком-  
муникация воситалари билан жиҳозланган ўқув  
залларини бирлаштирувчи ахборот-ресурс мар-  
кази ишлаб турибди. Мажлислар зали, барча  
зарур жиҳозлар билан таъминланган қишки ва  
ёзги спорт заллари бор.

В. Зубков МДУ Тошкент филиали фаолияти  
билан танишар экан, бу ердаги ўқув тизимига,  
талабаларнинг пухта билим олиши учун яра-  
тилган шарт-шароитга юқори баҳо берди.

Ноҳидра МАНЗУРОВА,  
ЎзА мухбири.



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сена-  
тининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва эко-  
логия ҳамда Фан, таълим, маданият ва спорт маса-  
лари қўмитаси 2 ноябрь куни Р.Р. Шредер  
номидаги илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида  
«Илмий-ишлаб чиқариш базасини ривожлантириш  
— қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида муваф-  
қият гарови» мавзусида конференция ўтказилди.

Конференцияда таъкидланганидек, Ўзбекистон Респуб-  
ликаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазириликнинг академик  
Р.Р. Шредер номидаги Богдорчилик ва узумчилик илмий-  
ишлаб чиқариш бирлашмаси богдорчилик ва узумчилик  
соҳасида янги ҳамда яхшиланган навлар яратиш устида  
иш олиб бораётган ийрик илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқа-  
риш муассасасидир. Муассаса таркибига академик  
Р.Р. Шредер номидаги бош институт ва унинг Самарқанд,  
Фарғона филиаллари, Тоғ богдорчилиги ва узумчилиги фили-  
ли, Виночилик филиали, Жанубий Ўзбекистон тажриба  
станцияси, Наманган, Сўх ва Бухородаги учта таълим пункти  
ҳамда 15 та тажриба хўжалиги қиради. Барча илмий муас-  
сасалар ва тажриба хўжалиқларининг умумий майдони  
11 минг гектарни ташкил қилади.

Мамлакатимизнинг ана шу йирик илмий маркази хил-  
ма-хил соҳаларда ҳар томонлама тадқиқотлар олиб бориш  
имконини бермоқда. Бу тадқиқотлар богдорчилик ва узум-  
чилик хўжалиқларида кўчат етиштиришдан бошлаб, мева  
ҳамда узумни қайта ишлашга бўлган барча масалалар-  
ни қамраб олади. Кўп йиллик тадқиқотлар натижасида рес-  
публикада янги машина ва механизмлардан фойдаланиб,  
тез ҳосилга қирадиган боғлар ва узумзорлар барпо этиш-  
нинг комплекс технологияси ишлаб чиқилди, мева ҳамда  
узум етиштиришни кўпайтиришнинг энг муҳим захирала-  
ридан бири сифатида боғлар ва узумзорлар барпо этиш  
мақсадида тоғлар ва тоғолди зоналардаги ерларни ўзлашти-  
риш муаммосига катта эътибор берилмоқда. Ушбу зо-  
наларда боғ ва узумзорлар яратиш, уларни парвариш  
қилишининг агротехника усуллари ишлаб чиқилди ва ама-  
лиётга жорий этилди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин тармоқда  
жуда катта тарихий ўзгаришлар юз берди. Замонавий қонун-  
чилик ва норматив-ҳуқуқий базани яратиши, Ўзбекистон  
Республикасининг Ер кодекси, «Сув ва сувдан фойдаланиш  
тўғрисида»ги, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги, «Фермер  
хўжалиги тўғрисида»ги ва бошқа қонунларнинг, шунинг-

(Давоми 2-бетда).



## ШХТ ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

Тошкентда 2 ноябрь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар  
Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди

Мажлис Ўзбекистон Республикаси  
Бош вазири Шавкат Мирзиёев,  
Қозғоштон Республикаси Бош вазири  
Карим Масимов, Хитой Халқ Республикаси  
Давлат кенгаши раҳбари Вэнь  
Цзябао, Қирғизистон Республикаси  
Бош вазири вазифасини бажарувчи  
Алмазбек Атамбаев, Россия Федерацияси  
ҳукумати раиси Виктор Зубков  
ва Тожикистон Республикаси Бош  
вазири Оқил Оқилбековнинг тор доирадаги  
учрашувидан бошланди. Музокарада  
ШХТ Бош котиби Б. Нурғалиев ва ШХТ  
Минтақавий ақсилтерор тузилмаси  
Ижроия қўмитаси директори  
М. Субанов ҳам иштирок этди.

Ўзаро ишонч ва ишчанлик руҳида  
ўтган мулоқот чоғида ШХТ ўз тараққи-  
ётининг янги босқичга чиқиб кетгани, Биш-  
кек саммитида имзоланган Узоқ муд-  
датли янги қўшма шартнома ва ҳам-  
корлик тўғрисидаги шартнома бунинг  
учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиши  
таъкидланди. Ташкилотнинг халқаро  
фузуи юксалиб, унга аъзо бўлиш иста-  
гини билдирган давлатлар сони ортиб  
бормоқда.  
ШХТ мамлакатлари ўртасида товар

айирбошлаш ҳажми муттасил ошмоқ-  
да. Хусусан, ўтган йили Ўзбекистон-  
нинг ушбу мамлакатлар билан савдо-  
си 40 фоиз ўсди.

Қатнашчилар ШХТ Давлат раҳбарла-  
ри кенгашининг сўнги мажлисида ҳу-  
куматлар олдига қўйилган вазифалар —  
ташкилот қамраган минтақадан хавфсиз-  
лик ва барқарорликни мустаҳкамлашда,  
аъзо давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий  
ва гуманитар алоқаларни ривожлан-  
тиришда ҳамкорликка доир кенг қўла-  
мадаги масалаларни кўриб чиқилди. Кўп  
томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик  
дастурини амалга оширишнинг чора-тад-  
бирлари юзасидан фикр алмашилди.  
Хавфсизлик муаммолари, Афғонис-  
тонни тинчлаш масалалари ШХТнинг до-  
имий эътиборида. Томонлар терроризм,  
экстремизм, айирчилик, нарқобизнес  
каби таҳдидларга қарши курашда ва ах-  
борот хавфсизлигини таъминлашда ҳам-  
корлик масалаларини муҳокама қилди-  
лар.

ШХТ Бош котибининг Давлат раҳ-  
барлари кенгаши ва Ҳукумат раҳбар-  
лари кенгашининг ташкилот доираси-  
да савдо-иқтисодий ва маданий-гума-

нитар ҳамкорликни кенгайтиришга оид  
қарорлари иқросияниг бориши ҳақидаги  
хисоботи тингланди.

Ташқи савдо ва ташқи иқтисодий ало-  
қалар учун масъул вазирилик ва идора-  
лар раҳбарларининг жорий йил 24 ок-  
тябрь куни Остона шаҳрида бўлиб ўтган  
кенгашида Кўп томонлама савдо-иқти-  
содий ҳамкорликни дастурини амалга  
таъбиқ этишга қаратилган муайян чора-  
тадбирлар ишлаб чиқилди. 2007 йил-  
нинг июнь ойида эса Москва шаҳрида  
ёқилги-энергетика маҳкуми учун масъул  
вазирилик ва идоралар раҳбарларининг  
кенгаши ўтказилиб, ушбу соҳадаги ҳам-  
корликка оид масалалар атрофида  
муҳокама қилинди.

Мажлисида нефть-газ конларини  
ўзлаштириш, ёқилги-энергетика маҳкуми  
инфра тузилмаларини такомиллаштириш,  
шунингдек, юқори технологиялар соҳа-  
сидаги ҳамкорликни кенгайтириш му-  
ҳим ва долзарб вазифага айланиб бо-  
раётгани қайд қилинди. Шунингдек, ма-  
шинасозлик, кимё саноати, қурилиш ма-  
териаллари ишлаб чиқариш, транспорт  
коммуникациялари каби соҳаларда ҳам-  
корлик учун кенг имкониятлар мавжуд.

Қатнашчилар ШХТ Ишбилармонлар  
кенгаши билан Банкарларо бирлашма-  
сининг ҳамкорлигини янада ривожлан-  
тириш, аъзо мамлакатлар ишбилармон  
ва молиявий доираларини йирик мин-  
тақавий сармоявий лойиҳалар иқроси-  
да кенроқ жалб этиш масалалари юза-  
сидан фикр алмашилди. Иқтисодий-  
содий асосий тармоқлари ва экспортга  
йўналтирилган секторларида, юқори те-  
хнологиялар соҳасида ушбу икки тузил-  
манинг ҳамкорлиги ривожланмоқда.

Кенгашининг кенгайтирилган таркиб-  
даги мажлисида ШХТ доирасидаги кўп  
томонлама ҳамкорлик масалаларининг  
амалий жиҳатлари кўриб чиқилди.

Музокаранинг бу қисмида кузатувчи  
давлатлар вакиллари — Ҳиндистон Рес-  
публикаси давлат ташқи ишлар вазири  
Е. Ахамед, Эрон Ислам Республикаси  
биринчи вице-президенти П. Довудий,  
Мурғистон Бош вазирининг ўринбосари  
М. Эҳсанов ва Покистон Ислам  
Республикаси ташқи ишлар вазири  
Х. Касури, шунингдек, меҳмон сифати-  
да Афғонистон Ислам Республикаси  
биринчи вице-президенти А. Масъуд  
қатнашилди.

(Давоми 2-бетда).

# ШҲТ ҳукумат раҳбарлари кенгашининг мажлиси

(Давоми. Боши 1-бетда).

Саноатнинг кўпга соҳаларида қўшма корхоналар тузиш, сарможий лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳар томонлама фойдаландир. Пахта, тери, ипакни ёки қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш каби тармоқларнинг ўзида ҳам катта имкониятлар бор. Махлсида қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш ва рағбатлантиришга келишиб олинди.

Гуманитар ҳамкорлик масалаларига, айниқса, маданият ва спорт соҳасидаги алоқаларга сўнгги вақтларда Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисларида ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Бишкек саммитида Маданият соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзолангани бунинг ёқин тасдиғидир. Махлсида ШҲТ Котибиятига экспертлар гуруҳи билан ҳамкорликда Маданият соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимни

амалиётга татбиқ этишининг муайян чора-тадбирларини ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Бу йўналишда маданий ва бадиий жамоаларнинг сафарларини уюштириш, турли фестиваллар, кўргазмалар, танловлар, спорт мусобақаларини ташкил этиш, талабалар алмашиш, олим ва тадқиқотчиларнинг мулоқотларини кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.

ШҲТнинг Бишкек саммитида ёшлар ташкилотларининг уюшмасини тузиш, олий таълим муассасаларининг ҳамкорлигини ривожлантириш ушун ШҲТ университетини ташкил этиш борасида фикрлар билдирилган эди. ШҲТ Ҳукумат раҳбарлари кенгаши мажлисининг катнашчилари бу йўналишдаги имкониятларни кўриб чиқдилар.

Соғлиқни сақлаш ва экология соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш масаласи ҳам долзарб бўлиб қолмоқда. Бу борадаги алоқалар тиббиёт ва фармацевтика соҳасида таж-

риба алмашиш, турли эпидемияларга қарши биргаликда курашишга хизмат қилади. Соғлиқни сақлаш масалалари муайян даражада атроф-муҳит муҳофазасига боғлиқдир. Махлсида таъкидланганидек, ШҲТ доирасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик концепцияси ишлаб чиқилган. Уни амалга ошириш жорий этишни жадаллаштириш зарур.

Махлсида ташқи савдо-иқтисодий алоқалар, транспорт, нефть-газ сектори, қишлоқ ҳўжалиги, маданият ва саноат, спорт, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика каби соҳалар учун масъул бўлган вазирлик ва идораларга ушбу йўналишларда ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш вазифаси топширилди, мавжуд режа ва дастурлар ижросини фаоллаштириш юзасидан кўрсатмалар берилди. Кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастурини ба-жариб чора-тадбирлари режа-

сига киритилган лойиҳаларни ташкил қилиш вазифаси топширилди.

Кенгашта ШҲТнинг 2008 йилги бюджети тўғрисида қарор қабул қилинди. Навбатдаги мажлисини 2008 йилда Қозғоғистонда ўтказишга келишиб олинди.

Махлси якунида Қўшма баёнот, ШҲТга аъзо давлатлар ҳўкуматлари ўртасида божхона ишда ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги битим имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда махлси самарали кечгани, имзоланган ҳўжатлар ШҲТ мамлакатлари ўртасидаги дўстона муносабатлар ва кўп томонлама амалий ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди. Меҳмонлар Ҳўкумат раҳбарлари кенгаши юқсак савияда ташкил қилинганини алоҳида таъкидладилар.

Анвар БОБОВЕВ, ЎзА махсус мухбири.

# ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМИ — ХОРИЖИЙ МУТАХАССИСЛАР НИГОҲИДА

Шу йилнинг 1-2 ноябрь кунлари республикамизнинг етакчи олий таълим муассасаларидан бири — Тошкент Ирригация ва мелiorация институтига «Олий таълим сифатини таъминлаш» мавзусида халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди. Таълим бағишланган бундай улкан миқёсдаги форумнинг мамлакатимизда ўтказилаётганлигининг ўзига хос жиҳиди асослари бор. Аввало, айнан Ўзбекистонда бундан йил олдин таълимни давлат миқёсида ислоҳ қилишга қаратилган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастуридаги стратегик аҳамияти ҳўжатлар қабул қилинди. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ўсиб келаётган янги авлод таълим-тарбиясини энг юқсак халқаро андозларда ташкил этиш бўйича ибратли тажрибалар тўпланди. Бу ноб ва катта аҳамиятли тажриба ер юзидagi кўпгина давлатларда ва халқларда қўзғилиш уйдотди.

Бойлиги, илмий-маърифий салоҳияти, кўп жиҳатдан, таълим тизимига қаратилган эътиборга боғлиқ. Мен 16 йилдан буюн Хамдўстлик давлатларида амалга оширилаётган таълим тараққиёти жараёнини диққат билан кузатиб келяман.

Бу йўналишда Ислоом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда амалга ошири-

кадрлар тайёрлашда давлат ҳамда жамоат ташкилотларининг иштироки фаол йўлга қўйилганини алоҳида эътиборга молик.

**Димитрий КОЗЛОВ, Москва давлат табиати муҳофаза қилиш университети ректори:**

— Ўзбекистонда 1997 йилда қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, шунингдек, таълимни ривожлантириш соҳасидаги аниқ мақсадга йўналтирилган давлат сиёсати республикада улусқис таълим тизимини вужудга келтириш ва унинг самардорлигини ошириш ҳамда кадрлар тайёрлашнинг миллий модели яратилишига олиб келди. Бу улкан тажриба, шакл-шўбаси, таълимни давлат миқёсида ислоҳ этиш борасида бошқа мамлакатлар, жумладан, Россия Федерацияси учун ҳам ибрат бўлиб хизмат қилади.

**Василий ГРУНН, Украина сув ҳўжалиги ва табиати муҳофаза қилиш миллий университети ректори:**

— Ўзбекистоннинг таълим тизимини ислоҳ қилиш соҳасидаги тажрибалари ёш авлодга таълим ва тарбия беришдек муҳим соҳага давлат миқёсида масъулиятли ёндашишнинг аҳойиб намунаси.

М. САФАРОВ.

**Сўз — анжуман катнашчиларига**

лаётган ислохотлар мамлакатнинг стратегик мақсадларига, унинг гуллаб-яшнашига, халқ фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади.

Ёш авлод камолоти ва юрт келажагини таъминлашга қаратилган бундай эғу ишлар таҳсинга лойиқ ва ҳар тарафлама ўрганишга арийди.

**Анна ПАОЛИНИ, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси раҳбари:**

— Ўзбекистонда таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш учун барча ҳўқуқий-меъёрий асослар ва шарт-шароитлар тўла-тўқис яратилган. Бу борада олиб борилаётган ишларнинг улусқислиги, таълимнинг сифати ва самардорлигини таъминлашга жуда катта эътибор қаратилаётганини,



# ДЕМОКРАТИК САЙЛОВ ВА КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдуллоев 2 ноябрь кун Марказий сайлов комиссияси матбуот марказида мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган жамоат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари билан учрашди. Учрашув мавзуси олдинда турган муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловга бағишланди.**

Мустақиллик йилларида фуқароларимизнинг ўз сайлов ҳўқуқини рўйга чиқариш учун мамлакатимизда барча зарур шарт-шароитлар яратилди. Ҳар гал ана шу кўли имкониятлардан кенг фойдаланиш асосида, Ўзбекистонда сайлов ҳўқуқини замон демократиясининг энг муҳим институтига, халқимиз ўз хоҳиш-иродасини ифода қилиши, сиёсий ҳаётда, жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ва айни чоғда давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан иштирок этишининг асосий шакллари билан биригга айланишига амалда кўп бор ишонч ҳосил қилмоқдамиз. Айнан шу сабабдан булajak улкан ижтимоий-сиёсий воқеа эл-юртининг истисқибидан нечоғли салмоқли ўрин тутганини ҳолис ва муносиб баҳолаш ҳам зиммамизга катта масъулият юклагни ташкил қилади.

Бугунги кунда дунёда сайловлар фуқаролик жамиятининг етуқлиги ва сиёсий-ҳўқуқий маданияти даражасини акс эттирадиган кўзгадиқ. Истиқлол йилларида яратилган миллий сайлов тизимини сайловларнинг очик ва ошқора ўтказилишининг пухта механизми эканлигини тўлиқ исботлаш ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик янгиликларнинг яқоил самараларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. Ривожланган мамлакатларнинг бу йордаги илгор тажрибаси ва неча минг йиллик миллий анъаналаримизнинг ўзаро уйғунлаштирилиши натижаси улусқис миллий сайлов қонунчилигимизда халқимиз ўз хоҳиш-иродасини эркин ва очик ифода этишни таъминлайдиган ижобий жиҳатлар муҳим асосини топди.

Экспертларнинг қайд этишларича, Ўзбекистон сайлов қонунчилигида демократик сайловнинг барча асосий тамойиллари — умумийлик, сайлов ҳўқуқининг барча учун тенглиги, тўғридан-тўғри ва яширин овоз бериш, сайловда ихтиёрли қатнашиш, сайловни ўтказишдаги ошқоралиқ ўз аксини топган. Бу галги сайлов ҳам ушбу ҳўқуқий неғиз асосида ташкил этилмоқда.

Марказий сайлов комиссияси раиси йўналишларга сайлов кампанияси бошланганидан буюн ўтган қирқ кундан ортиқ

золанди. Мазкур битимни имзолашдан мақсад миллий сайлов қонунчилигимизни сайловчилар орасида тушунириш борасидаги ишларни самарали ташкил қилиш, сайлов жараёнининг очиклиги, ошқоралиги ва транспарентлигини таъминлаш, сайловчиларнинг ҳўқуқий маданиятини янада юқсалитиш, ўтказилаётган сайлов жараёнидаги асосий тадбирларнинг босқичлари, муддатлари ва мазмунини ҳақида сайловчиларни ўз вақтида хабардор қилишдан иборат.

Шу билан бир қаторда, Марказий сайлов комиссияси томонидан округ сайлов комиссияси раислари, котиблари ва матбуот хизматларининг етдилари учун семинарлар ташкил этилди ва ўтказилди.

М. Абдуллоев айни вақтда Марказий сайлов комиссияси Харақат дастурида белгиланган ишларнинг ташкилий таъйиғарлик босқичи дегил юзюнга етгани ва эндиликда сайловдаги кампаниясининг асосий тадбирлари босқичи бошланганига эътиборини қаратди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентлигида номзодлар кўрсатишга ижозат берилган сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг рўйхатини тасдиқлаш ҳақидаги қарор қабул қилинди. Унга кўра, мамлакатимизда фаолият юрғатиш ва сайловда иштирок этишга ижозат сўраб мурожаат этган бешта сиёсий партияга сайловда иштирок этиш учун ижозат берилди.

Булар — Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Ўзбекистон Фидкорлар миллий-демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон халқ демократик партияси ҳамда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар харақати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда иштирок этишга ижозат сўраб мурожаат этган битта сайловчилар ташаббускор гуруҳи ҳам булajak сайловда қатнашишга ижозат этилди. Ана шу партияларнинг барчаси ва сайловчилар ташаббускор гуруҳи ваколатли вакиллари рўйхатга олинганлик гувоҳномаси ва белгиланган намунадаги имзо варақаларининг бланкалари берилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва Ўзбекистон Миллий телерадиокмпанияси ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловга таъйиғарлик қилиш ва сайловни ўтказиш жараёнини ҳолисона ёритишга оид битим им-

тиришга жиддий эътибор қаратилгани алоҳида таъкидланди. Уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур ҳўқуқий асос, қулай шарт-шароит ва тегишли имтиёзлар яратилди. Бунинг натижасида юртинимизда ҳозирги кунда қарийб 5 минг нодавлат нотижорат ташкилотлари рўйхатга олинган бўлиб, улар ҳаётимизнинг турли ижтимоий йўналишларида давлат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Учрашувда иштирок этган фуқаролик жамияти институти вакиллари билан ақсарияти бундан икки ярим йил аввал ташкил этилган Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясига аъзо нодавлат нотижорат ташкилотларининг (ННТ) фаолиятлари, Мазкур ассоциациянинг асосий мақсадларидан бири ҳам жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш йўлидаги вазифаларини хал қилишда, кишилар онгу шуғрида демократик қадриятларни мустаҳкамлашда, уларнинг ижтимоий-сиёсий, социал ва амалий фаолигини юқсак даражага кўтаришда, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қуришда ННТлар ролини янада кўчайтиришдан иборат.

Эътиборли жиҳати шундकि, сайловнинг асосий субъектлари ҳисобланувчи сиёсий партиялар фуқаролик жамиятининг муҳим институтидир. Бу бугунги кунда мамлакатимизда «Кўчи давлатдан — кўчи фуқаролик жамияти сари» концепцияси ҳайтимига кенг татбиқ этилаётганлигини яқоил тасдиқлайди.

Бошқача айтганда, ҳар қандай давлатда, ҳар қайси жамиятда сайлов жараёнида сиёсий куч ва харақатларнинг интиқиллари билан бирга, одамларнинг эркин фикрлаш даражаси, фикрлар хилма-хиллиги, жамиятдаги қайфият ёркин намоён бўлади. Учрашув давомида тадбир иштирокчилари қайфияти ана шундай юқсак ижтимоий-сиёсий руҳ сезилиб турди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, фуқароларимизнинг булajak сайловда ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиши уларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик янгиликларини ривожлантириш истиқболи йўлида қўшадиган ҳиссаси бўлади.

Учрашувда қатнашчиларнинг кўплаб саволларига атрофлича жаваб берилди.

Фулум МИРЗАЕВ, ЎзА мухбири.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

деқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда иқтисодий ислохотларни қўчурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Мева-сабзавотчилик ва узумчиликни ислоҳ қилишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармон ва қарорлари қабул қилинганиги мева-сабзавотчилик ва узумчилик ширкатларини фермер ҳўжаликларига айлантириш, агроасаноат фирмаларини ташкил этиш ҳамда мева-сабзавотчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, мамлакатда мева-сабзавот маҳсулотини ва узини экспорт қилиш учун зарур база яратишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш учун асос бўлди.

Тошкент шаҳрида «Агроминтех» халқаро кўргазмаси ўтказилганиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фермер ҳўжаликлари ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларига мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотини қайта ишлаш бўйича мини-технологиялар ва ихчам ускуналар сотиб олиш учун тизимли кредитлар бериш ҳамда лизинг хизматлари қўрсатиш тартиби тўғрисидаги қилинган тасдиқлаш ҳақида»ги қарори қабул қилинганиги ҳам тармоқни жадал ривожлантиришга ёрдам берди.

Конференция иштирокчилари тармоқни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини муҳокама қилиб, ҳозирги вақтда бозор муносабатлари шариоитида боғдорчилик ва узумчиликни янада жадал ривожлантириш, фан билан ишлаб чиқариш алоқасини мустаҳкамлаш ва илмий-тадқиқот ишларининг самардорлигини ошириш борасида мазкур тармоқ олдига катта вазифалар турганини қайд этдилар. Шу муносабат билан серхосли, юқори сифатли, зараркундалларга, касалликларга, совуққа, қурғоқчиликка ҳар жиҳатдан чидамил, сув истеъмол қилиш коэффицентини паст бўлган, экологик барқарорлиги, ҳосилдорлиги ва сифати бўйича мавжуд навлардан устун турадиган мева ва узум навларини яратиш; Ўзбекистоннинг ҳар хил турок-иклим зоналарида мева ва узум навларини етиштиришнинг ресурс ва меҳнати тежайдиган, экологик жиҳатдан хавфсиз технологияларини ишлаб чиқиш; турли зоналарда турок-узумдорлигини ошириш усулларини такомиллаштириш; узумдан майиз қилиш ва уни сақлашнинг комплекс технологияларини ишлаб чиқиш; боғлар ва узумзорлар учун энергияни тежайдиган агроускуналарни яратиш; бозор иқтисодиёти ва мулк шаклларининг хилма-хиллиги шариоитида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илгор усулларини ишлаб чиқиш асосида боғдорчилик ва узумчиликнинг иқтисодий самардорлигини ошириш каби муҳим йўналишларда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш зарурлиги қўрсатиб ўтилди.

Фикр алмашиш асосида норматив-ҳўқуқий базани янада такомиллаштириш, тармоқни модернизациялаш, замонавий инновация лойиҳаларини жорий этиш, қайта ишловчи корхоналар тармоғини кенгайтириш, илмий марказнинг барча минтақаларда филиаллари ташкил топиши ҳамда ривожлантирилишига эришиш ҳақида тақлифлар билдирилди.

Конференция ишида тегишли вазирлик ва идораларнинг вакиллари, олимлар, қишлоқ ҳўжалиги билан боғлиқ халқаро лойиҳаларнинг, вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқарушларининг, фермер ҳўжаликларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

мой масалаларни ҳал этиш, бюджет ташкилотларини, коммунал ҳўжалик ва ободонаштириш ишларини молиялаштириш, одамларни иш билан таъминлаш ва аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ваколатларини маҳаллий ҳокимият, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллаларга босқичма-босқич ўтказиш жараёни амалга оширилмоқда.

Семинар иштирокчилари давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ижро этиши юзасидан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларини қарор топтириш ва ривожлантириш учун ҳамма шароитлар яратиб берилганлигини, ўзини ўзи бошқариш ҳўқуқини амалга оширишда фуқароларга ёрдам берилганлигини таъкидладилар. «Фуқаролар йиғинлари раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ижро этиши юзасидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қарор топтириш учун ҳамма шароитлар яратиб берилганлигини, ўзини ўзи бошқариш ҳўқуқини амалга оширишда фуқароларга ёрдам берилганлигини таъкидладилар.

«Фуқаролар йиғинлари раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ижро этиши юзасидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қарор топтириш учун ҳамма шароитлар яратиб берилганлигини, ўзини ўзи бошқариш ҳўқуқини амалга оширишда фуқароларга ёрдам берилганлигини таъкидладилар.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ижро этиши юзасидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қарор топтириш учун ҳамма шароитлар яратиб берилганлигини, ўзини ўзи бошқариш ҳўқуқини амалга оширишда фуқароларга ёрдам берилганлигини таъкидладилар.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ижро этиши юзасидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қарор топтириш учун ҳамма шароитлар яратиб берилганлигини, ўзини ўзи бошқариш ҳўқуқини амалга оширишда фуқароларга ёрдам берилганлигини таъкидладилар.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ижро этиши юзасидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қарор топтириш учун ҳамма шароитлар яратиб берилганлигини, ўзини ўзи бошқариш ҳўқуқини амалга оширишда фуқароларга ёрдам берилганлигини таъкидладилар.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари» мавзусида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳўқуқ масалалари кўмитаси томонидан Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жағмараси билан биргаликда ташкил этилган семинар 2 ноябрь кун Тошкент вилояти ҳокимлиги биносида бўлиб ўтди.

Семинарда қайд этилганидек, ҳозирги вақтда фуқаролик жамиятининг таянч демократик бўлини бўлиши фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролни ҳамда ваколатларини қўчайтириш масалалари мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришда устувор йўналишга айланди. Мамлакатимиздаги тўққиз мингга яқин фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ишида 100 мингдан ортиқ маҳалла фаоллари иштирок этмоқда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тартибга солиданган тегишли ҳўқуқий база яратилган бўлиб, улар ўз ваколатларини амалга ошириш учун қонун ҳўжатларига мувофиқ катта имкониятлар берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма махлсидаги мавзусида таъкидланганидек, «Давлат ҳокимияти марказий органларининг бир қатор ваколат ва вазифаларини, авваламбор иқтисодий ва ижти-

# Боғдоқ мебеллари — хонадон файзи



Боғдоқ туманидаги «Файзли-Боғдоқ» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган ўқув ва ётоқхона жиҳозлари ўзининг юқори сифати, қулайлиги ҳамда беҳиримлиги билан харидорлар эътиборини тортмоқда.

Мазкур жамият мамлакатимиздаги йирик ишлаб чиқариш корхоналаридан бири — «Файз холдинг» компанияси таркибига фаолият юрғатади.

Бозор талаблари асосида иш олиб бораётган мебелларнинг маҳаллий хом ашё ҳисобидан махсулот ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратаётган. Жорий йилда 150 турдаги махсулот истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.

Корхонада махсулот турини қўчайтириш, сифатини янада ҳўчилилаш, технология жараёнларини такомиллаштириш борасида муайян ишлар қилинмоқда.

Германиянинг «HOMAG GUS» компанияси билан тузилган шартномага кўра, қўлба замонвий ишлаб чиқариш ускуналарини олиб келиш, — дейди жамият раҳбари Муҳаммадjon Дарҳонов. — Янги дастхоналарнинг афзаллиги шундकि, махсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган жараёнлар тўлиқ компьютерлаштирилган. Шунингдек, корхонамизда «Садоо уйи» ҳам фаолият юрғатади. Бу ўз навбатида харидорларга қулайлик яратмоқда.

СўРАТДА: ишни Мурооджон Қодиров.

М. ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Шассининг айби билан

Индонезиянинг «Mandala Airlines» авиакомпаниясига қарашли «Boeing 737» самолёти Маланг аэропортига шассилардан бири очилмай қолганлиги сабабли ноқулай қўндирилди.

Ушбу аэропорт Ява оролининг шарқда жойлашган. Сўнгги маълумотларга қараганда, самолёт бортида булганлардан беш киши енгил жараҳат олган, холос. Барча йўловчилар ва экипаж аъзолари эвакуация қилинган. Манбада воқеа тафсилотлари ҳақида бошқа маълумот йўқ.

Уммондаги «сомонхона»

Мексика ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари мамлакат тарихида илк маротаба энг кўп миқдордаги кокаин моддасини ушлашга муваффақ бўлишди. Колумбиянинг Буэнавентура шаҳридан денгизга чиққан кема Мансанильо портида тегишридан ўтказилганида, унинг бортидан 23 тонна гибеханд модда топилган. Сўнгги икки ойдан кўпроқ вақт мобайнида Мексика полицияси 39 тонна гибеханд моддани ушлаб қолди.

Алдагани бола яхшими?

Хитой ҳукумати Гуандун музофотидаги ўйинчоқ ишлаб чиқарувчи 1726 та фабрика тегишридан ўтказди. 764 та фабриканинг экспортга рухсат берувчи лицензияси қайтариб олинди. Бундан ташқари, 690 та фабрика эгаларига ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва ўйинчоқлар сифатини ошириш юзасидан кўрсатмалар берилди. Мазкур музофотда болалар ўйинчоқлари ишлаб чиқарувчи 5 мингга яқин фабрика мавжуд. Хитой ҳукумати сифатсиз маҳсулотларнинг бозорга чиқиб кетишига қарши курашни кучайтирди. Сўнгги икки ярим ой мобайнида шу масалада 626 та жиноят иши очилган ва 774 киши қамоққа олинган. Бундан олдинроқ «Mattel» компанияси ўйинчоқлари болалар соғлиғига зарарли эканлиги аниқланиб, 18 миллионга яқин ўйинчоқ сотувдан қайтариб олинган.

Довулдан огоҳ бўлинг!

«Ноэль» тропик довули хали давом этмоқда. Аини пайтда унинг хавфли шкаласи энг юқори даражага кўтарилган бўлиб, тезлиги соатига 120 километрни ташкил қилмоқда. Манбада айтилишича, «Ноэль» АКШ қирғоқларига ҳам таҳдид солиб турибди. Мамлакатнинг Шимолий Каролина штати аҳолиси эҳтиёткор бўлишга чақирилган. «Reuters» ахборот агентлиги хабарларига айтилишича, довул туфайли Доминикан Республикаси ва Гаитида 108 киши оламдан кўз юмган. 40 мингга яқин фуқаро эса ўз уй-жойини тарк этишга мажбур бўлган.

Ё қамоқ, ё жарима

Калифорнияда ўрмонга ўт қўйганликда гумон қилинаётган ўн ёшли болакай уч йилгача озоликдан маҳрум этилиши мумкин. Агар бола суд томонидан айбдор деб топилса, унинг балоғатга тўлмагани ҳисобга олиниб, ота-онаси бир неча юз миллион долларлик жаримага тортилиши кўзда тутилмоқда. Калифорния прокуратураси ҳалигача унга нисбатан айблов эълон қилгани йўқ. Гумондорнинг адвоклатлари эса прокуратура айблов ҳулосаси чиқармаслиги ҳам мумкинлигига ургу беришмоқда. Эслатиб ўтамиз, Калифорнияда қарийб бир ҳафта давом этган ўрмон ёнғинлари штатга 1,5 миллиард долларлик зарар келтирди.

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК «1-сонли Энергомонтаж поезда» 2000 йил ИСО 9001 Сифат менеджменти тизимини жорий этиш бўйича консалтинг хизматлари кўрсатиш учун шартнома тузишга танлов эълон қилди. Танлов мuddати — эълон чоп этилгандан бошлаб 25 кун. Маълумот учун телефонлар: 279-96-80, 279-95-01, факс 279-85-21.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЮНЕСКО — ФАОЛ ҲАМКОР

Мамлакатимиз нуфузли халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Айнқса, Ўзбекистон билан БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти — ЮНЕСКО ўртасидаги муносабатлар тобора мустаҳкамланмоқда. Халқлар ўртасида гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш орқали дунё миқёсда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга ҳисса қўишини мақсад қилган ЮНЕСКО ташкил топган 1946 йилдан буй ўтган даврда кўплаб хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда. У миллий-маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш, умуминсоний аҳамиятга молик миллий қадриятларни химоялаш билан шуғулланидиган халқаро ташкилотдир.

Хозир ЮНЕСКОга икки юзга яқин мамлакат аъзо. Ташкилотнинг асосий мақсади — халқлар ўртасида таълим, фан ва маданият, шунингдек, ахборот соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат. Ташкилотта аъзо мамлакатларда ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссиялар тузилган. Улар мазкур соҳаларни ривожлантириш учун маъсул муассасалар билан ҳамкорлик қилади. Шунингдек, ЮНЕСКО алоқа ўрнатган олти юзга яқин нодавлат ташкилот ҳам унинг дастур ва лойиҳаларида фаол иштирок этади. Турли мамлакатлардаги олти мингга яқин мактаб ташкилотнинг Бирлашган мактаблар дастурига аъзо бўлган. Бу мактабларда таълим дастури билан бир қаторда бағрикенглик, тотувлик ва ҳамкорликнинг аҳамияти каби эзгу гояларга бағишланган қўшимча дарслар ўтилади. ЮНЕСКОнинг беш мингга яқин клуб, уюшма ва маркази эса ташкилот томонидан илгари сурилган гояларни тарғиб этишга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз ЮНЕСКОга 1993 йилда аъзо бўлган. 1996 йилда пойтахтимизда унинг ваколатонаси иш бошланди. Ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб келганини, ҳамкорликда кўплаб самарали лойиҳалар амалга оширилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. 1998 йилда ЮНЕСКО Ўзбекистоннинг 155-сессиясида Президент Ислам Каримов ташкилотнинг олий муфоти — «Абу Али ибн Сино» олтин медали билан тақдирланди. Давлатимиз раҳбарига ЮНЕСКОнинг «Боробур» олтин медали топширилгани ҳам алоҳида қайд этиш лозим.

Даржакият, истиқлол йилларида Президент Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда миллий ва маънавий қадриятларни тиклаш, маданий ёдгорликлар, тарихий обидалар, муқаддас қадимжоларни асраб-авайлаш, таъмирлаш ва келгуси авлодларга етказиш ҳамда аждодларнинг бой меросини ўрганиш ва тарғиб этиш борасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди. Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги, Амир Темуր таваллудининг 660 йиллиги, Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик тўйлари, «Алломиш» халқ достони яратилганининг 1000 йиллиги, «Авесто»нинг 2700 йиллиги, Термиз шаҳрининг 2500 ва Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллик тўйлари, жорий йилда эса Самарқанднинг 2750 ва Марғилоннинг 2000 йилли-

гим нишонлангани ана шундай улғувор ишлардандир. Бундай тадбирлар ЮНЕСКО билан ҳамкорликда халқаро миқёсда кенг нишонланди.

ЮНЕСКО юртимизда ўтказилган кўплаб маданий тадбирларнинг меҳмони, фаол ташкилотчиси ва иштирокчиси. Ташкилот ҳар икки йилда бир марта Самарқандга ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусика фестивалида мунтазам қатнашиб келади. 2000 йили ЮНЕСКОнинг «Шарқ тароналари» муқофоти таъсис этиш тўғрисидаги битим имзоланди. Жорий йилда ўтказилган навбатдаги фестивалда ЮНЕСКО Бош конференцияси раиси Мусо бин Жаъфар Хассан қатнашди.

2003 йилда ташкилот томонидан «Барқарорлик ва тараққиёт учун таълим 10 йиллиги» эълон қилинди. Ушбу ташаббус доирасида мамлакатимизда ҳам кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда — аҳолининг тил ўрганиш имкониятларини кенгайтириш, маънавият ва маърифат йўналишлари бўйича таъ-

Экотуризм: йўналишлар кўпаймоқда

Қорақалпоғистон Республикаси Табиати муҳофазат қилиш давлат қўмитасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамкорлигида Оролбўйида экотуризм йўналишларини кенгайтириш лойиҳасининг тақдимоти ўтказилди. Чунончи, Довудкул мавзесида Бухоро бугуларини кўпайтириш, Бадойтўқай давлат қўриқонаси яқинида сайёҳларга сервис маскани бунёд этиш, Қўпчоқ даҳасида эса дарё бўйлаб саёхатлар уюштириш юзасидан аниқ тадбирлар белгиланди.

«КАМОЛОТ» КўМАГИДА

Масалан, ҳаракат ташаббуси билан шу қўнғача республиканинг шаҳар ва туманларида 55 нафар ёш келин-кўвнинг никоҳ тўйлари ўтказилди. Уларга ҳаракатнинг қўли ташкилотлари, ҳўмий муассасалар томонидан рангли телевизорлар, гиламлар, мебеллар, бошқа уй жиҳозлари совға қилинди. — Биз 22 та кўп болали ва кам таъминланган оилани оталиққа олганмиз, — дейди «Камолот» ЕИХ Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси Мурат Атамуратов. — Ҳар бир оиладаги ёшларнинг ўқиши, касб ўрганишига қўмаклашмоқдамиз. Бундан ташқари, юздан ортққ елғиз отахон ва онахонларнинг ҳолидан хабар олиб турибмиз. Аини чоғда ижтимоий ҳўмоани масўмий эмас, кундалик ишга айлантормоқчимиз!

Янгибой ҚўҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Бу йилги кузнинг илиқ келиши аҳолига коммунал хизмат кўрсатадиган идоралар учун ниҳоятда асқотмоқда. Чунки бундай қўлай об-ҳаво шароити соҳа эгаларига изғиринли киш кўнларига пухта тайёргарлик кўриш имконини бермоқда. Ҳўш, қиш мавсумига тайёргарлик ишлари Тошкент шаҳрида қандай ахволда? Хўсусан, пойтахт аҳолисининг газга бўлган эҳтиёжи тўлиқ қондириладими? Биз «Тошкентшаҳаргаз» филиали раҳбари Абдусамат Саидвалиев билан шу хўсусда суҳбатлашдик.

«Тошкентшаҳаргаз»: ТАЪМИНОТНИНГ УЗЛУКСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ

— Киш ойларида истеъмолчиларни газ билан узлуксиз таъминлаш мақсадида ўтган даврда бир қатор амалий ишлар қилинди, — деди Абдусамат Набиевич. — Жўмладан, режага кўра, 52,7 километрик газ қувурлари таъмирдан чиқарилди. 86 та юқори ва 1602 та ўрта босимли газ тақсимлаш мосламалари техник текширувдан ўтказилди. «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси билан биргалиқда «Восточная — 2» ГРС ҳудудида янги газ тармоғи фойдаланишига топширилди. 2009 та ер ости ва усти газ тармоғи, 436 донга газ қўдўндаги зўлфинлар техник тафтиш қилиниб, 70 та газ қўдўги таъмирланди.

— Бугунги кунда «Тошкентшаҳаргаз» қанча истеъмолчига хизмат кўрсатапти?

— Аини пайтда филиалимиз жамоаси 557346 хонадонга табиий газ етказиб бермоқда. Шўндан 141547 тасини хўсўсий, 415799 тасини кўп қаватли уйларида истиқомат қилувчи аҳоли хонадонлари ташкил этади. Бўндан ташқари, 784 та саноат қорхонаси, 4401 та маиший хизмат кўрсатиш идораси ва 3585 та яқка тартибда фаолият юритадиган истеъмолчиларга ҳам хизмат кўрсатамиз.

— Улар орасида газ ҳақини ўз вақтида тўламаётган, бўнинг устига, газ тармоғига ноқўнуний уланиб олган истеъмолчилар ҳам бор бўлса керак?

— Ўтган тўққиз ой мобайнида истеъмолчиларга 69854 млн. сўмлик табиий газ етказиб берилиб, улардан 85257,8 млн. сўм миқдорда маблағ ундирилди. Хўзирги кунда истеъмолчиларнинг филиалимиз олдиди умумий қарзи 42,9 млрд. сўмини ташкил этади. Ана шу қарзларни ундириш мақсадида махсус гуруҳлар ташкил этилган. Улар томонидан шу қўнғач қарздорлиги юқори бўлган ва тўловни ўз вақтида амалга оширмаган 14688 та истеъмолчи нисбатан тегишли ҳўжатлар тайёрланиб, 951,9 млн. сўмлик иш фўқаролик судларида топширилди. Аини чоғда 9604 та истеъмолчида 524,8 млн. сўм маблағ ундириб олинди. Улғуржи истеъмолчилар бўйича эса 54 та тегишли ҳўжат, яъни 1874,2 млн. сўмлик иш фўқалик судига тақдим этилди.

Табиий газ тармоқларига ноқўнуний равишда уланиб ҳўлатлари ҳам унраб турибди. Ўтган даврда «Тошкентшаҳаргаз» ва «Тўмангаз» фойдаланиш хизматлари томонидан олиб борилган рейдларда 602 нафар истеъмолчининг газ тармоқларига ноқўнуний уланиб олганлиги аниқланди. Етказилган зарар 156,0 млн. сўмини ташкил этди. Кўрилган чора-тадбирлар туфайли ушбу маблағнинг салкам 108,1 млн. сўми ундирилди. Қолганлари бўйича тегишли ҳўжатлар расмийлаштирилиб, ҳўқўнчи муҳофаза қилиш органларига топширилди.

Юқоридигилардан келиб чиқиб, шўни айтишимиз лозимки, газдан фойдаланишдаги ҳар қандай ноқўнуний ҳўлатлар, қолаверса, табиий газга тўловларни ўз вақтида амалга оширмаслик, авваламбор, истеъмолчиларнинг ўзларига зарар келтириши. Шўндай экан, табиий газдан қўнуний равишда ва оқилона фойдаланиш ҳар бир истеъмолчининг бурчига айланиши лозим. Ана шўнда қиш мавсумидан муваффақиятли чиқилишига замин яратган бўламиз.

Усмон УСМОНОВ.

Чикаго (АҚШ)да ҳаваскор боксчилар ўртасида давом этаётган жаҳон чемпинати ҳал қилувчи паллага кирди.

АББОС АТОВЕВ ЯРИМ ФИНАЛДА

Кўрўа натижаларига кўра, асосий даврдан баҳсларга қўшилган ҳўмюртимиз Аббос Атоев (81 кг.) дастлаб руминиялик Константин Бежана-руга қарши рингга кўтарилиб, унинг раундда рақибини нокаут ҳўлатига туширган эди. Кейинги учрашувда Аббоснинг кучли зарбаларига Франция давлати боксчиси Мамау Диамбанг бир раунд ҳам дош беролмай, нокаут ҳўлатига тушди. Бу галаба ўзбекистонлик боксчининг келаси йили Пекинда бўлидиган Ёзги Олимпиада йўлланмасини кўлга киритишига кўфоя қилди. Чорак финалда хорватиялик Марижо Сиволижа 17-6 ҳисобида мағлуб этилди.

Энди боксчимиз ярим финалда қозғистонлик Еркебўжан Шўналиев билан учрашди. Терма жамоамизнинг жаҳон чемпионатидаги тўлиқ иштироки билан газетамизнинг кейинги сонларида батафсил таништирилади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Газ улғуржи истеъмолчилар ва газ сотувчи ташкилотлар ариқатига!

«Крокус Газ Сервис» КК

«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қўйидаги тартиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортққ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган «АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТўҒРИЛАЙДИГАН

замонавий электрон газ ўлчачиқлари. Ўлчаш диапазонлари: — «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача); — «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача); — «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача); — «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача); — «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида. Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.



Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

«Трастбанк» хўсўсий очиқ акциядорлик биржа банки Тошкент филиали жамоаси минибанк мудир Бахтиёр Жўраевич БАДАЛОВнинг вафоти муносабати билан марҳўмининг оила аъзолари ва яқинларига чўқур таъзия изҳор этади.

Республика Маънавият тарғибот маркази жамоаси Хоразм вилояти бўлими раҳбари Гаъвар Ибодуллоевга акаси Хамиджон ИБОДУЛЛАЕВнинг вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардик билдиради.

РОССИЯ ВА ЎЗБЕКИСТОН СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИК. РОССИЯ МИЛЛИЙ КўРГАЗМАСИ. 28 ноябрдан 1 декабргача «Ўзэкспомарказ» МКК. yellowpages.ru ДИРОНАТ. uzhekistan Today. FMA ORLAT.

# Кўнгил жиёбони



Абдурахмон ЖОМИЙ  
(«Бахористондан»)

## Мутбойиба

Фозил бир киши сирдош дўстига мактуб ёзар эди. Унинг ёнида ўтирган бир киши кўз қирини ташлаб мактубни ўқирди. Фозилга малол келди ва: «Агар менинг ёнимда муттахам бир даош хатимни ўқиб ўтирмаганда эди, сенга ҳамма сирларимни ёзган бўлардим», деб ёзиб қўйди.

— Худо ҳақки, мавлоно, — деди халиги одам, — мен сенинг мактубинга қараганим ҳам, ўқиганим ҳам йўқ.  
— Эй нодон, — деди фозил, — бўлмаса, нима ёзганимни қайдан билдинг, ахир?

Ким биронинг сирларин билмоқчи бўлса ёширин, Ё ўзлик билса сир оёси чин ўрибди у ҳам. Гар бу ишга ҳақ талаб этса яна баттар иши, Номини қўйса ярашга ё даос, ё муттахам.

Коронги кенчада бир сўйиқ киши елкасига кўзани қўйиб, қўлига чирок тутиб келар эди. Бир нодон киши унга дуч келиб деди:

— Эй нодон, сенинг наздингда кун билан тунининг фарқи йўқ, кўз ўнгингда ёруғлик билан қоронғилик бир-ку, бу чирокнинг нима нафи бор?

Сўйиқ кулиб деди: — Бу чирокни ўзим учун кўтариб юрганим йўқ, сенга ўхшаган дили кўр ва ақли қисқалар менга урилиб кетмасин ва кўзани синдириб қўямасин, деб ушлаб юрибман.

Нодон аҳолини тушунгай беақдан бошқа ким, Гар Ибн Синоча бўлган чоғда ҳам шам дошиси. Таъна қилма кўзи кўри, эй очиқ кўзман деган, Ўзгаларни кўрмаса ҳам кўрғай уа кўр ўз ишин.

Бир муаллимдан: — Сен каттами, уканг? — деб сўраган эдилар у; — Мен каттароқман, аммо бир йилдан сўнг у менга етиб олади, — деди.

Умринг ҳосили гар ҳеч нарса бўлса, Бошқалар ишини санаб толасан. Бошқалар умрини этасан ҳисоб, Ўз умринг ҳам ўтар, билмай қоласан.

Букридан: — Худойи таоло орқанги бошқаларникидек текислаб қўйишини истайсанми ёки бошқаларникини ҳам сеникидек қилсинми? — деганларида у; — Бошқаларни ҳам меникидек букри қилсин, токи улар менга ҳозир нечук кўз билан қарасалар, мен ҳам уларга шундай назар ташлай, — деб жавоб берибди.

Ғаним тасона қилган айбон кутулб, Покиза ўтирасанг нечоғай яхши. Яна ҳам яхшироқ сенинг нуқсонинг, Душманингга ўтса бўлиб дил нақшин.

Бир араб тўясини йўқотиб қўйиб: «Ким тўямни топиб берса, икки туя юк бераман», дея жар солибди. — Ҳай, Ҳай, — дейишибди одамлар, — нахотки, бир оддий туяга икки туя мол ваъда қилсан!

— Жим, — дебди у, — сизлар ҳеч қачон йўқолган нарсани топиш қувончини бошдан кечирмаган, қўлдан кетган нарсага оға бўлиш лаззатини татиб кўрмаган бўлсангиз керак.

Йўқолган нарса гар кичик бўлса-да, Ҳеч деманг, «қидирма, борни қиймати?». Заршунос кишилар билади буни, Топганидан ортиқ топпоқ қилсини!

Низомулмулк исми вазири олижаноб ва одил экан. Биров ҳада келтирса, барчага баробар бўлиб берар экан.

Бир кун боғбон унга учта эртанишар бодринг келтирибди. Вазири бирин-кетин учала бодрингни ўзи еб қўйибди-да, боғбонга

## Ривоят Олижаноблик

минг динор нўмон берибди. Вазири боғига дам олгани чик-қанди, унинг бир мулозими сўрабди: — Тақсир, нима учун учала

«Ўзбекино» Миллий агентлигининг «5-студия» — Ёшлар ижодий уюшмаси «Ўтов» деб номланган янги бадиий фильмни томошабинлар ҳукмига ҳавола этди. Ёш кинорежиссёр Аюб Шаҳобиддинов суратга олган ушбу фильм сценарийси Ёлқин Тўйчиев қаламига мансуб.



Фильмни томоша қилар эканмиз, энг аввало, қахрамонлар ҳолатини ифодалашда ўзгача таъсир кучига эга бўлган ва асарга жуда мос тушган ҳазин чанқовуз куйи эътиборимизни тортди. — Киноасар руҳига шу куйни муносиб деб билдик, — дейди режиссёр Аюб Шаҳобиддинов. — Унинг сокин садоси, юракнинг тўб-тубига етиб борувчи ноласи ортиқча мусиқий безакка ҳожат қолдирмайди. Фильм сценарийсини ўқитганимда кулогим остида чанқовузнинг ўйга толдирувчи мунгли садоси янграб тургандек эди. Қахрамонларнинг мураккаб тақдирини, босиб ўтган йўли, бошига тушган мусибатларини

кўрганда, беихтиёр уларга ҳамдард бўлгинг келади. Бир пайлар тенглик никоби остидаги зулмкор замоннинг одамлар тақдирини қанчалар ўзгартириб юборгани, улар юрагини алам ва нафратга тўлдирганини кўпчилигимиз яхши биламиз. Уни ҳарчанд ёдга олишни истамганимиз билан қора ўтмишга айланган мусибатларни буткул унутуш ҳам мумкин эмас. Балки, ана шу унутолмаслигимиз бизни озодликнинг қадрига етмоққа ундар. Шу ўринда фильмнинг бу эзгу гоёсини талқин қилишда таъсирли образ яратган олган таниқли киноактёр Нозим Тўлаҳужаевнинг меҳнатларини эътироф этиш даркор.

У ижро этган бош қахрамон Убайдуллонинг ички дунёси, қалбини ўртаётган аламларни очиб бериш осон эмас эди. Ижодкор эса бу бу фоний дунёни тарқ этди. Хўш, энди у нима қилсин? Барига чидашга ортиқ маҳоли йўқ эди. Қалбини ўртаган алам уни жамяят ва одамлардан юз ўғириб, тоғу тошларга бош олиб чиқиб кетишга ундайди. Ям-яшил кенгликлар бағрида, мўъжазгина ўтовда ўз-ўзига озодлик муҳитини яратиб, шу эркинлик бағрида дардини унутмоқ истади... Ииллар ўтиб, кўзининг оқу қораси — ёлғизгина ўғли улғаяди. Убайдулло унга бор умидини тикканига қарамай, ўғил отани ноҳақликда айблайди. Эркинлик дегани бундай бўлмаслигини, одамлардан ажратиб,

катнашиш на ўзига ва на бирор кимсага фойда келтиришини қайдан ҳам билсин?... Бор меҳрини бериб боққан фарзанди ташлаб кетган, Убайдулло яна ёлғиз қолади. Минг бир азоб ичра қовурилиб юрган кунларининг бирида унинг ҳаётига беозор, ўз жигарларидан зулм кўрган, гунг бир аёл кириб келади. У билан

— Фильм давомида бир оғиз ҳам гапирмай, фақат кўз ифодаси билан қахрамонимни жонлантириш, очиғи, осон кечмади. Уқубатлардан тўйган, меҳрга зор, жисмонан мажруҳ бўлса-да, ўз муҳаббати йўлида собит бу аёлнинг жуда ҳам мураккаб руҳий дунёсини очиб бериш масъулияти турарди, олдимда.

тақдим этилган янги фильм гоёси шундай

## Мутлола

— Эй нодон, сенинг наздингда кун билан тунининг фарқи йўқ, кўз ўнгингда ёруғлик билан қоронғилик бир-ку, бу чирокнинг нима нафи бор?

Сўйиқ кулиб деди: — Бу чирокни ўзим учун кўтариб юрганим йўқ, сенга ўхшаган дили кўр ва ақли қисқалар менга урилиб кетмасин ва кўзани синдириб қўямасин, деб ушлаб юрибман.

Нодон аҳолини тушунгай беақдан бошқа ким, Гар Ибн Синоча бўлган чоғда ҳам шам дошиси. Таъна қилма кўзи кўри, эй очиқ кўзман деган, Ўзгаларни кўрмаса ҳам кўрғай уа кўр ўз ишин.

Бир муаллимдан: — Сен каттами, уканг? — деб сўраган эдилар у; — Мен каттароқман, аммо бир йилдан сўнг у менга етиб олади, — деди.

Умринг ҳосили гар ҳеч нарса бўлса, Бошқалар ишини санаб толасан. Бошқалар умрини этасан ҳисоб, Ўз умринг ҳам ўтар, билмай қоласан.

Букридан: — Худойи таоло орқанги бошқаларникидек текислаб қўйишини истайсанми ёки бошқаларникини ҳам сеникидек қилсинми? — деганларида у; — Бошқаларни ҳам меникидек букри қилсин, токи улар менга ҳозир нечук кўз билан қарасалар, мен ҳам уларга шундай назар ташлай, — деб жавоб берибди.

Ғаним тасона қилган айбон кутулб, Покиза ўтирасанг нечоғай яхши. Яна ҳам яхшироқ сенинг нуқсонинг, Душманингга ўтса бўлиб дил нақшин.

Бир араб тўясини йўқотиб қўйиб: «Ким тўямни топиб берса, икки туя юк бераман», дея жар солибди. — Ҳай, Ҳай, — дейишибди одамлар, — нахотки, бир оддий туяга икки туя мол ваъда қилсан!

— Жим, — дебди у, — сизлар ҳеч қачон йўқолган нарсани топиш қувончини бошдан кечирмаган, қўлдан кетган нарсага оға бўлиш лаззатини татиб кўрмаган бўлсангиз керак.

Йўқолган нарса гар кичик бўлса-да, Ҳеч деманг, «қидирма, борни қиймати?». Заршунос кишилар билади буни, Топганидан ортиқ топпоқ қилсини!

Низомулмулк исми вазири олижаноб ва одил экан. Биров ҳада келтирса, барчага баробар бўлиб берар экан.

Бир кун боғбон унга учта эртанишар бодринг келтирибди. Вазири бирин-кетин учала бодрингни ўзи еб қўйибди-да, боғбонга

## Машҳурлар ҳаётидан

Машҳур америкалик ёзувчи Эрнест Хемингуэй жуда ашадий оғин бўлган. Бир кун оғ саргушларидан ҳақоқ қилётганида, тинглоччилардан бири банога сўраб қолади: — Мабодо одам қўлида ёниб турган машъала олиб юрса, биронга ҳам ҳайвон унга ҳужум қилолмайди, дейишади. Шу гап ростми? — Бу нарса машъалани қандай тезликда олиб юришга боғлиқ, — дейди адиб.

Дунёга машҳур rassom Пабло Пикассо бир кишининг портретини чизиб бўлган, унга деди: — Мана, расмингиз ҳам тайёр бўлди. Энди ўзингиз унга ўхшашига ҳаракат қилин!

бодрингни бир ўзингиз едигиз, бундай олатингиз йўқ эди-ку? — Одил вазири мулойимлик билан жавоб қилди: — Бодринглар тахир экан, бошқаларга берсам, тахирлигига чидамай деҳқонга ёмон сўз айтиб юборардилар, оқибатда унинг дили озор чекарди.



Жамшид НОРҚОБИЛОВ сурат-лавҳаси.

Бу либослар менга аталган...

## ЭРТАЛАБКИ РИЗҚ

Жўравой тонг ғира-ширасида Мамарайим бува-яғ эшигини қоқди. — Оҳ, ҳозир, ҳозир! — деган таниш, кадрдон овоз келди ховлидан, кейин шип-шип қадам товушлари эшитилиб, эшик қия очилди-да, оппоқ соқоллари қўксини қоплаган буванинг нуруний чехраси кўринди. Жўравой қўлини қўксига қўйган кўйи салом берди. — Ваалайкум... Жўравоймисан? Бахай-бахай. Эшик очик эди-ку, болам, киравермайсанми? — Бува... Бугун дадамнинг қайтиш қилган кунлари, — деди Жўравой. — Шунга пешиндан кейин бизникига ўтсангиз. Тенги-тўшларидан уч-тўрттасини чақириб... — Ҳе, манга қара, дарров бир йил бўлдим-я? — деди Мамарайим бува. — Гўрнинг нурга тўлгур Маткарим хўб ажойиб одам эди-да!

ман, Худо хоҳласа, албатта бораман. Хўш, қани, энди ичкарига юрчи. — Раҳмат. Яна бир-иккита одамларни айтишим керак, — деди қўлини қўксига қўйган кўйи Жўравой. — Бошқа вақт... — Улгурасан, болам, — деди Мамарайим бува эшик қанотини каттароқ очиб. — Кун энди бошланди-ку. Қани, юрақол. — Энди, бува... — тараддулдан-ди Жўравой. — Эрталабки ризқни қайтариб бўлмайди-я, болам. Қани, юр! Холанг иссиққина чой дамлаб, сочқиза ўраб қўйибди. Бир пиёлагина ичиб кетгин... Жўравой шундан кейин йўқ

деёлмади. Бува уни супага бошлаб, сочқиза ўраб қўйилган чойнакдан ховури чиқиб турган чой қўйиб узатди. Дастурхонни очиб, кампирни хозиргина қўйиб кетган пивёли ноини ушатди. Майиз, туршак тўла ликопчани меҳмон-суриштирди. Ишларининг қандок кетаётгани билан қизиқди. — Астойдил ишлайвер, болам, кам бўлмайсан! — деб қўйди. Шундан кейин Жўравойни «Дадангнинг руйи-арвоқлари қўласин!» деб дуо қилди. Жўравой ота қадрдони хузуридан руҳи ёришиб чиқди. — Високоволтнийдан битта сим узалиб тушибди, — деди Маҳмуджон исми маҳалладоши. — Ғираширада ҳеч ким кўрмаган... Бир сигир қўққисидан босовилиб, тил

тортмай ўлибди, ана! Жўравой оломон ўраб олган ерда тоғдек бўлиб ётган молга қараб қўйди. Юраги шиг этиб кетди. — Молбоқар болаларга ҳеч нима қилганми, ишқилиб? — деб сўради. — Хайрият, орқароқда келишайтган экан, сезиб орқага қайтишибди, — деди Маҳмуджон. Жўравойнинг кўзига Мамарайим бува кўриниб кетди. «Эрталабки ризқдан қайтма» деб кўярда-қўймай ховлисига бошлаб кирмаганда, шу ердан у биринчи бўлиб ўтишини хаёлига келтириб, эти жунжикиб кетди. Билки ўша ризқ... Еки отаси бу фалокатдан ўғлимни асрасин деб Мамарайим бобонинг кўнглига солганмикин? Ким билади дейсиз. Балки бу бир тийшам нонинг хосиятидир...

Фахри ДИЁР.

## Ватан, сен ой, офтобим!

Севдим  
Ватан, сен ой, офтобим, Зиёларингни севадим. Кутлуғ хоки туробим, Гиёҳларингни севадим. Ичсам ташми гулобим, Дарёларингни севадим. Шашмақоли рубобим Наволарингни севадим.

Кечмишингни варақлаб Гоҳо сел-сел тўқилгуам.

Муҳаббатдан яраландир...  
Ҳоксинг ўтиб позик ниҳол қўкка етди, Кам бўлмағай севаганик дил турроғингни, Дароҳингнинг таърифи тўрт томон кетди, Сеҳри баланд қўллардаги қаюғингни. Манглайингни муборақлаб силар мезон, Муҳаббатдан яраландир Ўзбекистон.

Гул қосада шабнам...  
Ватан дедим — юрагимга болар ўрнашди, Изларимдан эрқаланиб баҳор эрғашди. Хўш кўринди жўмард ўзлон сингари дашти, Хайратгир кўз ила қочарман, Ватан.

Абру найсон ўпган қоқиларим хўла, Зангор олазарга туташди ҳар йўла, Насибангиз дел гувранди ўнг-сўла, Гул қосада шабнам ичарман, Ватан.

Отамдан қолганим, таборагимсан, Боламга топишар мулк-керегимсан, Хурлиги ярашган муборагимсан, Нишқамдан сарполар бичарман, Ватан.

Замира РҶЗИЕВА.

Халқ сўзи  
Народное слово  
МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 24132 нусхалда босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2  
ТЕЛЕФОНЛАР:  
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;  
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терияди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.  
Г—Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100000, ГСП,  
Топкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Набатчи котиб — А. Орипов.  
Набатчи муҳаррир — У. Файзиёва.  
Набатчи — Қ. Хадиров.  
Мусахҳиҳ — Қ. Топхўжаев.